

Ватанпарварлик Туйғуси - Олий Фазилат**Мирзаев Тимур Альфирович**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Ҳарбий таълим факультети бошлиғи ўринбосари умумқўшин тайёргарлик тскил бошлиғи

Ватанпарвар инсонгина Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, юрт тинчлигига хизмат қилишга ўзининг ҳаётини бағишлайди, ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади” Шавкат Мирзиёев Бу кўҳна дунё пайдо бўлибдики, ҳар бир тирик зот ўз яшаш масканини ҳимоя қилади, ёмон кўздан асрайди. Саф тортиб турган ўзбек ўғлонларига қараб, ҳақиқий мардона ватанпарварликни, қалбни зир титратадиган ички мардлик туғёнини ҳис этасиз. Серқуёш заминимизга ташриф буюрган барчани унинг таровати ўзига мафтун этиб, ҳаяжонга солади. Ватаннинг ҳар бир қаричи қалбларимизга маҳбуб. Унинг ҳавоси, суви, тоғу-тошлари биз учун азиз ва қадрли. Шубҳасиз, Ватанни севиш ҳисси ҳар бир инсоннинг фитратида, табиатида бор. Шу боис ҳам киши Ватанидан узоқлашганда унга ниҳоятда талпинади, соғинчдан ўртанади. Кишида Ватанга бўлган муҳаббат чинакам маънода шаклланиши учун аввало ўз юрти тарихини, буюк аجدодларини билиши лозим. Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Шайх Нажмиддин Кубро, Амир Темур каби Ватанига қалқон боболаримизнинг ҳаёт йўлини ўрганиб, уларга муносиб авлод бўлишга интиламиз. Ватан - бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир. Бу маданияти, маънавияти, маърифати, тили, дини, феъл-атвори, ота-боболаридан қолган олтин мероси, 170 томирларида жўш уриб турган авлоддан-авлодга ўтиб келаётган покиза қони, тарихидаги муҳим босқичлари, озод ва обод ҳамда буюк давлат қуриш мақсадида олиб бораётган курашидир. Ахир Ватан тарихий хотираларнинг тирик гувоҳидир. Ҳар бир киши ўзининг садоқатли меҳнати билан Ватан тақдирига ўз сўзини битади. Ватанга муҳаббат, уни кўз қорачиғидек асраш, бор куч ва иқтидорини унинг ободлиги йўлида сарфлаш–ватанпарварликдан нишонадир. Ҳеч бир халқ ўз мустақиллигига осонликча эришмаган. Бизнинг мустақилликка эришишимиз ҳам бир замонлар орзу бўлган. Орадан ўтган оғир кунлардан кейин ниҳоят нурафшон тонглари отди. Яъни асрий орзу Мустақилликка эришилди. Ватанимиз истиқлоли туфайли ўз тақдиримизни ўз қўлимиз билан яратиш, ўз салоҳиятимизни ҳар томонлама намоён этиш, ўзимиз танлаган йўлдан аниқ мақсад сари оғишмай бориш имкониятига эга бўлдик. Энди бу неъматни авайлаш ва ҳимоя қилишимиз лозим. Алпқомат аскарларимизга ана шундай шарафли масъулият юкланган. Бу Ватан, буюк макон азал азалдан кимларга керак бўлмади? Бу Ватан шундай дахлсизки, унда асл эгалари, уни ардоқлаган, севганларгина яшай оладилар. Ватан розилиги аждодлар розилиги ифодасидир. Ҳақиқий она юртини севган

фарзандлар Ватанни рози қилишга интилади. Ватан розилиги аввало унга муносиб фарзанд бўлиш билан адо этилади. Дунёдаги барча мард-жасур ва қаҳрамон инсонлар, аввало, жонажон Ватанини севгани учун қалбларида Ватан туйғуси жўш уриб тургани учун ҳам ботирлик кўрсатиб, ном қозонганлар. Шу туйғу боис кишилар Ватан ҳақида қуйлайдилар, юртнинг тақдирига қуюнадилар, унинг равнақидан қувонадилар. Демак, она юрт инсонни ўз бағрида вояга етказибгина қолмай, унга энг муқаддас туйғуларни, энг гўзал таассуротларни бағишлайди. Уни асраш, қўриқлаш эса келажақдаги авлод, фарзадларимиз учун шу шодликни ҳадя этишдир. Уни ҳимоя қилиш, муқаддас ўчоқнинг оташ оловини сўндирмасликдир. Ватан суйганларни эр қилган, нонкўрларни кўр қилган илоҳий тупроқ. Ватан 171 ҳимояси бу тандирдан ҳозиргина узилган иссиқ ноннинг тафтини, кенг далаларнинг тўла этагини, бешикдаги гўдакнинг сокин уйқусини, дастурхон бошида ўтирган кексаларнинг дуосини асрашдир. Эндигина йўлга кирган болакай қоқилиб, тупроққа пешонасини теккизди - у Ватанни танимоқда. Узатган қўлларида Ватан кучоғи кўринади. Ҳарбийга отланган йигитлар тишларида нон тишлаб, бир тишлам насибани юрагининг остига яширадилар, зеро бу насиба Ватандир. Тоғу тошларда Ватан деб жонини фидо қилган ўғлонлар шу насибани бир уюм тупроққа экиб кетдилар. Ҳар баҳор Ватанини кўргани лолалар бўлиб келадилар. Ватанни қадрига етганларнинг кўксига ғурури осмон. Уни унутганларнинг тилаклари тиканак, диллари жонсарақ. Албатта ўз Ватанини таърифламаган шоир ва адиб топилмаса керак. Айниқса, Ватан ҳақидаги етук асарлари билан ажралиб турадиган шоирларимиздан Ҳамид Олимжон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф ва яна бошқа кўплаб ижодкорларнинг асарлари ўзгача маъно мазмунга эга бўлиб, инсонга маънавий завқ беради. Айниқса, ўзбек ўғлонлари саф тортиб Ватанни мадҳ этувчи қўшиқларни қуйлаганларида дилларимизда ифтихор, ғурур туйғуси янада жўш уради, эртанги кунга ишонч ошади, зеро тинчлигимиз, келажагимиз муносиб ҳимоячилар қўлида эканини ҳис этамиз. Фойдаланилган адабиётлар 1. И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент. 2008. 2. Ш.М.Мирзиёев. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. Тошкент - «Ўзбекистон» - 2016